



Агар муаззин: «Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!» деса, сизлардан бирингиз ҳам: «Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!» дейди

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар муаззин: «Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!» деса, сизлардан бирингиз ҳам: «Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!» дейди. Сўнг муаззин: «Ашҳаду анла илаҳа иллаллоҳ» деса, сизлардан бирингиз ҳам: «Ашҳаду анла илаҳа иллаллоҳ» дейди. Сўнг муаззин: «Ашҳаду анна Муҳаммадан Расулуллоҳ» деса, сизлардан бирингиз ҳам: «Ашҳаду анна Муҳаммадан Расулуллоҳ» дейди. Сўнг муаззин: «Ҳаййа ʔала-с-солаҳ!» деса, сизлардан бирингиз: «Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ!» дейди. Сўнг муаззин: «Ҳаййа ʔала-л-фалаҳ!» деса, сизлардан бирингиз: «Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ!» дейди. Сўнг муаззин: «Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!» деса, сизлардан бирингиз ҳам: «Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!» дейди. Сўнг муаззин: «Ла илаҳа иллаллоҳ!» деса, сизлардан бирингиз ҳам: «Ла илаҳа иллаллоҳ!» деб чин қалбдан айтса, жаннатга киради» - дедилар.

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Азон: намоз вақти кирганини билдирувчи эълон. Азоннинг сўзлари иймон ва ақийдани ўзида жамловчи сўзлардир. Бу ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам азонни эшитишни бошлаганда муаззин айтгандай айтиш кераклигини баёнладилар. Муаззин: «Аллоҳу акбар» деса, эшитувчи ҳам: «Аллоҳу акбар» дейди ва шу ҳолда давом этади. Фақат «ҳаййа ʔалас-с-сола ва «ҳаййа ʔалал-фалаҳ», деганда «Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаҳ», дейди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ким муаззин ортидан холис қалб билан такрорласа жаннатга киришини ваъда қилдилар. Азон сўзларининг маъноси: «Аллоҳу акбар»: яъни Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло барча нарсдан улуғр, буюк ва каттадир. «Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ»: яъни Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ. «Ашҳаду анна Муҳаммадарросулуллоҳ»: яъни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг пайғамбари эканлигига тилим ва қалбим билан гувоҳлик бераман ва тасдиқлайман. Аллоҳ у кишини пайғамбар қилиб юборди ва у кишига итоат қилиш вожибдир. «Ҳаййа ʔалас-с-сола»: яъни намозга келинглр. Эшитувчининг: «Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаҳ», сўзи эса, Аллоҳ таолонинг тавфиқисиз на тоат қилишга тўсиқ бўладиган нарсалардан халос бўла оламиз, на уни ёки бошқа нарсаларни қила оламиз. «Ҳаййа ʔалал фалаҳ», яъни нажот сабабларига келинг. Нажот - жаннатга кириш дўзахдан қутилиш.

النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY

